прошит

**ШАРТНОМА №07/01**

«21» 01 2022 йил Термиз шахри

Карвон Алфа Мах « Таъминотчи » деб аталувчи рахбари Р. Нанозова Низом асосида иш юрутувчи бир томондан ва Вилоят согликни саклаш бошкармаси Махсус ва тез тиббий ёрдам автохўжалиги бундан буён «Истеъмолчи » деб аталувчи рахбари М.БобораxматовНизом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тўгрисида шартнома тузадилар:

## 1.Шартнома предмети

1.1. «Таъминотчи» газ махсулотини сотиш мажбуриятини ва « Истеъмолчи » эса сотиб олинган газ махсулоти учун ўз вактида шартнома шартлари асосида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олди.

## 2. Газ маҳсулотлари нархи ва умумий киймати

2.1.Олинадиган газ маҳсулотлари хажмининг умумий киймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

| № | Газ махсулотлари номи | Улчовбирлиги | микдори | Нархи | ҚҚС суммаси | Умумийсуммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Суюлтирилган газ | литр | 6000 | 4000 | 3130434 | 24 000 000 |
| 2 | | | | | | |
| | ЖАМИ | | | | | |

2.2.Шартнома умумий суммаси 24 000 000 ( Йигирма турт миллион сум ) сўмни ташкил килади.

2.3. «Таъминотчи» газ махсулотларининг киймати нархи ошганлиги натижасида. Ўзгарганда, « Истеъмолчи »ни олдиндан хабардор килиб,товар моддий бойликнинг ўзгарган нархини асослаган холда сотади.

2.4. « Истеъмолчи » ўзгарган нархлар асосида кўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади.

2.5. «Таъминотчи» газ махсулотларини газ куйиш шахобчаси оркали « Истеъмолчи » нинг газ маҳсулотлари билан ишлайдиган, жихозланган автомашиналари оркали амалга оширади.

2.6. « Истеъмолчи » нинг автомашинасига кўйилган газ махсулоти куни,газ махсулоти етказиш санаси хисобланади.

## 3.Тўлов шартлари

3.1. « Истеъмолчи » товар моддий бойликлар тўлик кийматининг олдиндан 100 % микдорда 10 банк кунида «Таъминотчи» нинг махсус хисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. « Истеъмолчи » томонидан мазкур шартноманинг 3.1.банди талаблари бажарилмаган такдирда «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган газ махсулотларини бермасликга хакли бўлади.

## 4.Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. « Истеъмолчи »нинг мажбуриятлари:

а ) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини куйиш учун махсус рухсатнома олиш,

б) газ баллоннинг геометрик хажми ва техник холати тўғрисида хайдовчининг йўл варакасига тегишли белги кўйиш.

в) автомашиналарнинг газ баллон ускунасини соз холда саклаш,

г) газ махсулотларидан фойдаланиш коидаларига,техника хавфсизлиги масалаларига тўлик риоя килиш,

4.2.« Истеъмолчи » газ махсулотлари билан ишлайдиган,кайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва автомашинанинг техник холати учун тўлик жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.3.«Таъминотчи» нинг мажбуриятлари:

а) автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарининг созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланилаётганлигини назорат килиш.

б) автомашина хайдовчисини газ маҳсулотларидан фойдаланиш учун гувохномаси борлигини текшириш.

г) « Истеъмолчи » томонидан шартнома шартларини бузиш ва техника хавфсизлик коидаларига риоя килмаслик холати аникланганида, махсулот беришни тўхтатиш.

4.4. Томонлар махсулот хажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиккан холда ойлик газ микдорини бир маромда узатиш ва кабул килиш шарт.

4.5. « Истеъмолчи » сотиб олган махсулотни истеъмол килиш даврида хар бирюзага келган ўзгаришлар хакида чорак бошланишдан олдин «Таъминотчи» га ёзма равишда хабар килиши шарт.

4.6. «Таъминотчи» газ куйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги жорий таъмирлаш ва умумий таъмирлаш ишларидан олдин, « Истеъмолчи »га ёзма равишда хабар килиши шарт.

4.7. «Таъминотчи» « Истеъмолчи »нинг автомашинасига ўрнатилган газ ускуналари носозлиги туфайли мўлжалдаги километр масофани юрмаса «Таъминотчи» жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 5.Махсулот (газ) хисоботи.

5.1. « Истеъмолчи »га берилган махсулот микдори таркатиш варакасига асосан хисоб-китоб килинади.

5.2. « Истеъмолчи »га берилган махсулот микдори давлат стандарти томонидан 13.01.1995йилда (рег.№418) тасдикланган «А.Г.Т.К.Ш.»га юборилган газ хажмини ўлчаш ва унинг хисоб-китоб бўйича кўлланма (РД. Уз.51-03494) асосида « Ўзбекнефтегаз » миллий компанияси томонидан 25.11.1995 йилда тасдикланган«А.Г.Т.К.Ш.»да истемолчиларга таркатилган газ хажмини аниклаш жадвалига мувофик «Таъминотчи» нинг ўлчов асбоблари оркали аникланади.

## 6.Томонларнинг мулкий-хуқукий жавобгарлиги

6.1. « Истеъмолчи » шартномада кўрсатилган хажимдаги газ махсулотидан кўпрок микдорда олмокчи бўлган такдирда,томонлар ўртасида кўшимча шартнома тузилади.

6.2. « Таъминотчи » шартномада кўрсатилган газ махсулоти билан « Истеъмолчи »ни ўз вактида таъминлай олмаса, куйдаги холларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

а) электр тармокларида содир бўлган авария холларида,

б) электр тармоклари таъмирлаш учун тўхтатилганда,

в) мол етказиб берувчи ва пудратчилар айби билан газ махсулоти ўз вактида келмай колган вактда.

6.3. « Истеъмолчи »шартномада кўрсатилган хажимдаги газ маҳсулотининг ўз вактида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган такдирда, хар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5 % микдорида пения тўлайди, лекин пения микдори шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.4.Газ маҳсулотларини етказиб беришини кечиктирганлиги учун « Таъминотчи » кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорида пения тўлайди, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.5.Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларининг бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари бўйича жавобгардир.

**7.Низоларни хал етиш тартиби**

7.1.Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган такдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни коплайди.

7.2.Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида ўзгартириш ва бекор килишда етказилган зарарларни коплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди оркали хал килинади.

**8.1.Қўшимчалар**

8.1.Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар конуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимча шартномага илова килиниши хам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдикланган бўлиши шарт.

8.2.Бир томонлама шартнома бекор килишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва газ махсулотларини етказиб бериш тартиблари бузулганлиги асос бўлади.

**9. Форс-мажор**

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий холатлар, сув тошкини, ёнғин, ер кимирлаш, ва табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч кайси томон тўла ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

**10.Шартноманинг амал қилиш муддати**

10.1.Мазкур шартнома ғазначилик булинмасидан руйхатдан утган кундан бошлаб кучга киради ва « 31 » декабрь 2021йилгача амалда бўлади.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб икки томон учун хам тенг кучга эга бўлиб, банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

**11.Томонларнинг юридик манзили**

| «Ишбажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| НОМИ „Карвон Алфа Мах Сервис" МЧЖ | НОМИВССБси МТТЁ автоўжалиги |
| МАНЗИЛ Шарқўрғон тумани Истиқлол маҳалласи | МАНЗИЛ Термиз Ш Муқумий кўчаси 9 уй |
| Х\Р 20208000604838295001 | Ш.Х.В 100021860224017076909054001 |
| ИНН 301546743 ОКОНХ 47300 | ИНН 206993243 ОКОНХ 51121Б\К: 00014 |
| Б\К 00333 | ЎзРесп.Молия вазирлиги Ғазначилиги |
| НОМИ АТБ Мікрокредитбанк Шарқўрғон филиали | ИНН: 201122919 |
| РАХБАР _____ Р. Намазова | Тошкент шаҳар Марказий банки ҲККМ |
| (имзо) (ф.и.о ) | х/р: 23402000300100001010 |
| | РАХБАР _____ М.Боборахматов |
| | (имзо) (ф.и.о ) |

Ҳукукшунос визаси: Мен ВССБси МТТЁ нинг Ҳукукшуноси, ушбу шартномага Ўзбекистон Республикаси Фукоролик Кодекси, " Хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида" ги Қонун ва бошка конун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аникладим:

«21» январ 2022йил _____ А. Ходжаев

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДА

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ушбу Гувоҳнома қўшилган киймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини тасдиқлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НОМИ:

**KARVON ALFA MAX SERVIS М.Ч.Ж**

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

301546743

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

**I МАХТУМКУЛИ КУЧАСИ**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

322080004773

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

**17.11.2018**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси "Ўзнефтгазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АС № 0146

Мазкур лицензия билан "KARVON ALFA MAX SERVIS"
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
масъулияти чекланган жамияти
га

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, "Истиқлол" маҳалласида
(рухсат этилган фаолият тури)
жойлашган АГҚШ орқали суюлтирилган углеводород газини сотиш
билан

шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, "Истиқлол" маҳалласи

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 301 546 743

Лицензия берилган сана: 2019 й. 4 июнь

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 528

Ваколатли шахс: Н. Агзамов
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI JARQO'RG'ON TUMANI "KARVON ALFA MAX SERVIS" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
"KARVON ALFA MAX SERVIS" M.CH.J.